



Кун нафаси

«Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Президентимизнинг «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизimini жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Тошкентда 11 август кунини Ўзбекистон – Россия ва Россия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши вакиллари иштирокида «Ўзбекистон Республикасининг экологик муаммоларини ҳал қилишда синергик таъсир натижалари: ҳукумат, жамоат ташкилотлари, бизнес» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Кинематография агентлиги Туркия Республикасининг «Altinkesit» кинокомпанияси билан ҳамкорликда «Соҳибқирон Амир Темури» номли тарихий сериални суратга олади.

Бугун Кинематография агентлигида С.Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти вакиллари билан институтнинг Тошкентдаги филиалини очиш бўйича учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Владивосток шаҳридаги Бош консулхонаси ходимлари томонидан Приморск ўлкаси Надежденский туманида қурилаётган тураржойлар қурилишида ишлаш учун Сурхондарёдан келган 30 нафарга яқин фуқароларимизнинг мурувжаатидан сўнг, мазкур қурилиш объектида меҳнат мигрантлари ва иш берувчи иштирокида учрашув ўтказилди.

Масжидларда жума намозларини ўқиш бўйича карантин чекловлари бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Когон тумани Халқ қабулхонасида ҳудудда яшовчи фуқаролиги бўлмаган 5 нафар юртдошимизга Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлигини тасдиқловчи ID-карталар топширилди.

Нукусда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан «Қорақалпоғистонда барқарор экологик ва қишлоқ туризмни ривожлантириш» мавзусида тренинг бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Жаҳон хайрия индексида 53-ўриндан 29-ўринга кўтарилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



Наманган вилояти

Шу йил 18-19 февраль кунлари Президентимиз Наманган вилоятига ташрифи чоғида Наманган шаҳридаги 26-сонли Меҳрибонлик уйида бўлиб, болажонлар билан мулоқот ўтказган эди.

Мана, орадан қарийб олти ой вақт ўтиб, бугун Меҳрибонлик уйи замонавий кўринишда бўй кўрсатди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг сай-ҳаракатлари билан қайта реконструкция қилинган ушбу Меҳрибонлик уйи биноси айни пайтда барча шарт-шароитларга эга масканга айланди. Муассаса 2004 йилда ташкил топган бўлиб, 163 ўринга мўлжалланган. Бу ерда 62 нафар педагог ва ишчи-ходим фаолият юритади. Ҳозирги кунда бу ерда жами 40 нафар бола

тарбияланмоқда.

Меҳрибонлик уйида айни пайтда ота-онасиз чин етимлар, ота-она ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари, ногирон ота-оналарнинг болалари, кам таъминланган оилалар фарзандлари тарбияланмоқда.

Янги барпо этилган 26-сонли Меҳрибонлик уйининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Шавкат-

Президент ташрифидан сўнг...

жон Абдураззоқов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди. Меҳрибонлик уйига Президент совғаси – «NEXIA-3» автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Орзуғул
РУСТАМОВА,
«ISHONCH»



Меҳрдан яралган бинолар



Фарғона вилояти



БАҒДОД ошқовоқлари

Янгиликка интилиб, изланишдан тўхтамайдиган бағдодлик боғбон – Жамолiddин Қодиров улкан ошқовоқлари билан кўпчиликка танилиб улгурди.

Пайкалдаги бахайбат ошқовоқларни кўриб, беихтиёр «Абдуллажон» фильми кўз олдингизга келади. Оғирлиги қарийб 40-50 килограмм келадиган ошқовоқларни бир киши кўтариши даргумон.

– Улкан ошқовоқларни етиштиришга бўлган қизиқиш ўтган йилдан

бошланди, – дейди Жамолiddин аканинг ошқовоқларида нафақат ўзимизда, балки қўшни республикадан ҳам харидорлар чиқмоқда. Изланишлардан тўхтамайдиган боғбон улкан ошқовоқларни янада кенгроқ майдонга экишни ва ундан шарбат ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Қойил!



Жиззах вилояти

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.



Ғолиблар тақдирланди

Ғолибларни аниқлашда жамоа шартномаларининг тармоқ келишувларига мослаштирилгани, иш берувчилар билан ҳамкорликда уларнинг бажарилишига эришилгани, янги иш ўринлари яратилгани, муносиб иш ҳақи тўланиши, ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари йўлга қўйилгани баробарида соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт ишлари самарадорлиги бош мезон бўлди.

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлардан олгита, аъзолари сони 100 нафардан ортиқ бешта касаба уюшма ташкилоти етакчилари амалий фаолият ўз ифодасини топган кўргазмалари, ҳужжатлари ва фотоальбомлари билан қатнашди.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳрида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



Байроқдор кўмиталар

Аъзолари сони 100 нафаргача бўлган ташкилотлар орасида ўз тармоқларида ғолиб бўлган вилоят қон қуйиш маркази, Ғузор туманидаги 77-сонли давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати, 2-махсус механизациялашган кўчма колоннаси, вилоят «Хунарманд» уюшмаси, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Деҳқонobod тумани ирригация бўлими, Қарши шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Мубораксувтаъминот» МЧЖ касаба уюшма кўмиталари республика босқичига йўлланма олишди.


Кўрик-танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»


Келгуси сонларда ўқинг...



Ойдайдён ҳақиқатга
мункир қамар



Лоқайдликми, ёки
нўноқлик?



Пенсия тизимида
қандай қулайликлар
яратилди?

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

Жиззах вилояти

Вазифалар амалиётга татбиқ этилади

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашида давра суҳбати ташкил этилди.

Очиқ мулоқотда «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўп миллионли аъзолари ва мамлакатимиз аҳолисиغا Мурожаати»да таъкидланган вазифаларни амалиётга татбиқ этишдаги долзарб вазифалар хусусида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Мурожаатда касаба уюшма ташкилотлари ва фаолларининг аниқ вазифалари белгилаб берилган, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши раиси Мелитожи Якубов. – Тарихий анжуманининг халқимиз ва давлатимиз истиқболи учун ўта долзарб аҳамиятга эга эканидан келиб чиққан ҳолда, барча имкониятларни ишга солашимиз.

Муқимбой ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021

Мурожаат мазмунини биласизми?

«Навоийазот» акциядорлик жамиятида тарғибот тадбири ўтказилди.



Корхонанинг ишчи-ходимлари иштирок этган тадбирда «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» шароитида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг кўп миллионли аъзолари ва мамлакатимиз аҳолисиغا Мурожаати юзасидан фикр ва мулоҳазалар юритилди. Иштирокчилар Мурожаатнинг мазмун-моҳияти юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди. Тадбирда корхона ёшлари ўртасида уни кенг тарғиб этиш юзасидан келишиб олинди.

Шавкат ТОИРОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Навоий вилояти

Самарқанд вилояти

Таҳлил



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши ижроия қўмитасининг онлайн йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи галда меҳнат муҳофазаси масаласи кўрилди. Қайд этилганидек, бу борадаги вазият кўнгилдагидек эмас. Вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 9 та бахтсиз воқеа содир бўлган. Инсон ўлимига олиб келган 4 та ҳолат, айниқса, ачинарлидир.

Таҳлил асносида вазият бир мунча ойдинлашгандек бўлди. Меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича билимларни ошириш керак. Бунинг учун барча шароитлар мавжуд. Касаба уюшмалари қошида «Самарқанд касаба зиё» ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилган. Техника хавфсизлигига дахлдор мутасаддилар жалб этилиши оқилона йўлдир. Бироқ бу йўналишда иш берувчиларда ҳам, бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам ҳафсала етишмаётир. Оқибатда, вилоятдаги таълим ташкилотларининг 2081 тасида, давлат ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги 212 та, тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги 184 та, маданият, спорт ва туризм тизимидаги 113 та ташкилотда меҳнат муҳофазасига дахлдор вакилларнинг ўқуви ташкил этилмади.

«Холва деган билан оғиз чучимайди», меҳнат муҳофазасини ташкил этиш қуруқ оғиздаги гап бўлиб қолишига сира йўл қўйиб бўлмайди. Ходимларни соғломлаштиришга касаба уюшмалари томонидан бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилган. Турли тармоқ меҳнат вакиллари бу афзалликлардан фойдаланиб келмоқда. Масалан, Булунгур туманида ўтган олти ой мобайнида таълим тизими ходимларининг 43 нафари санаторийларда ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан дам олдирилган. Аммо тармоқ касаба уюшмаси сиҳатгоҳ йўлланмаларини тартибли ҳужжатлаштириш, қайтим талонларини жамлаш, қисман тўловларни ундиришда хатоликларга йўл қўйиб келмоқда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тойлоқ тумани кенгаши фаолияти ҳам бундай нуқсонлардан ҳоли эмас.

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соломатлигини мустаҳкамлаш йили» дастури ижросини таъминлаш гоят муҳим масала. 6 бўлим, 27 банддан иборат дастурга касаба уюшмалари ижтимоий шериклик асосида ёндашиб келаётир. Ўтган фурсат олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 46 нафар иқтидорли, кам таъминланган оила фарзандларига ижтимоий шериклик асосида қарийб 88 миллион сўмлик ўқув шартнома пуллари тўлаб берилди. Ёш оилаларга бир марталик кўмак, уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган рўзгор буюмлари харид қилишларига кўмаклашилмоқда. Хуллас, қилинаётган ишлар ҳам оз эмас.

Ижроия қўмита йиғилиши муҳокамасига киритилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Бошланғич ташкилотларда

Шаҳрисабз туманидаги Чорқи қишлоғида жойлашган мўъжазгина мактабимизда 270 нафар ўқувчи таҳсил олади. 44 нафар ходим ишлайди. Дарслар икки навбатда ташкил қилинган. Бундан ташқари, ўқитувчилар ўзлари ўтадиган ҳар бир фан бўйича тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишган. Шунинг эвазига ўтган йили таълим муассасамиз ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига кириши бўйича туманда энг юқори рейтинг кўрсаткичини қайд этди.

Машаққатли меҳнатлар рағбати



Ўзим тарих фанидан сабоқ бераман. Тўғарак машғулотларидан ташқари очиқ дарслар орқали шоғирларимнинг билимларини ошириш, уларнинг фанга меҳр қўйиши учун астойдил интиляпман. Қолаверса, ўқитувчиларга берилган эътибор ва ишонч ишимиз унумида қўшқанот бўлаётир.

Директоримиз Шаҳноза Ибодуллаева ўқитувчилардан дарс ва тўғаракларни ўз вақтида сифатли ўтишни талаб қилса, ўқувчилардан бунга жавобан яхши ўқишни сўрайди. Албатта, муаммолар ҳам йўқ эмас. Тўғарак машғулотларига хоналар етишмайди. Бундан ташқари, спорт залимиз йўқлиги сабаб қиш фаслида ўтиладиган жисмоний тарбия дарсларида асосан синфхоналарда шахмат-шашка ўйнаш ва назарий машғулотлар билан чекланиляпти.

Ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда иш берувчи касаба уюшма қўмитаси билан ҳамфикр. Биргина мисол: кутубхоначи Гулмира Турсунова уч ой давомида шифокорлардан муолажа олди. Унга Таълим ва фан ходимлари Шаҳрисабз тумани кенгаши томонидан моддий ёрдам ажратилди, мактаб раҳбари эса «директор жамғармаси»дан кўмак берди.

Яқинда мактабимиз илғор муассасалар қаторида эътироф этилиб, мен ва ҳамкасбим Матлуба Ҳалиовага «Қашқадарё соҳили» санаторийсида бепул ҳордиқ чиқариш учун йўлланма берилди. Сиҳатгоҳда нафақат дам олдик, шунингдек, бутун вилоятдан келган ҳамкасблар билан ўзаро фикр алмашдик, иш тажрибаларимизни бўлишдик.

Буни қарангки, касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида ходимларимга йўлланма берардимиз, санаторийда дам олмаган эдим. Шижоатга тўлиб, олам-олам таасуротлар олиб, ишга қайтдим.

Мухтасар айтганда, аҳил ва иноқ жамоада ишлаётганимдан хурсандман. Машаққатли меҳнатимиз қадр топмоқда.

Замира ЁРБОЗОРОВА, Шаҳрисабз туманидаги 4-сонли ўрта умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси

Қорақалпоғистон Республикаси

ЭЪТИРОФ НАМУНАСИ



Август ойининг иккинчи яшанбаси – қурилиш соҳаси ходимлари куни. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазирлигида байрам тадбири ўтказилди. Унда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва касаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган, тармоқ касаба уюшмаси тизимида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири Жалғасбай Бердиханов Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Есимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

Андижон вилояти

Оғриқ тишлар...

Избоскан тумани маркази – Пойтўғда ўтган асрнинг 60-йилларида экилган азим чинорлар савлат тўкиб туради. Бир вақтлар кўчанинг икки томонидан қуюқ соя солиб турган бундай чинорлар кўп бўларди. Лекин кейинчалик ҳар турли қурилишлар баҳонасида уларни кесиш бошланди. Дўкон қуриш, йўлни кенгайтириш ёки қайсидир устамон тадбиркорга ёғоч-тахта керак бўлса, йўл бўйидаги чинорларга болта солинди. Шўкрки, шунча кес-кесларда азим чинорлар бир четдан чолиб ташланмади.

Сиз айтган ЧИНОРЛАР кесилиб кетди (ми)?



Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик-қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу яхши, аммо қурилишларнинг кўпчилиги ўша жойдаги дарахтларни кесишдан бошланди. Кейин «айб»ни ювиш мақсадида турли хил манзарали дарахт кўчатлари экиб қўйилади. Уч-тўрт йил ўтгач, қайсидир раҳбарга маъқул келмай қолади, шекилли, ҳали соя беришга улгурмаган дарахтлар кесиб ташланиб, янги экилади. Бундай ҳолатнинг такрорланиши одатий ҳолга айланди.

Яқин-яқингача тагига уч-тўрт сўри бемалол сиғадиган азим садақайрағочлар бўларди. Энди кесувчи-курувчилар дастидан уларни тушимизда кўра-миз...

– Тошкент шаҳри ҳавосининг муссафоллигини 30 фоизга яхшилаш учун яна учта Ботаника боғи керак, – дейди Давлат экология қўмитаси бошлиғи ўринбасари Ислонбек Боқихонов. – Кесилган чинорлар ўрнига экилган манзарали дарахтлар ҳавони деярли тозалайди. Бир миллион аҳолиси бўлган Душанбе шаҳрида 18 та истироҳат боғи бор. Улар келгусида яна олтига боғ яратишни режалаштирган. Бизнинг бoshкентимиз – Тошкентда эса 14 та боғ мавжуд. Афсуски, экилган дарахтлар қурилишлар баҳонасида йўқолиб кетаяпти. Азалдан соя-салқин бериб келаётган чинорлар кесилиб, ўрнига манзарали дарахтлар экилмоқда. Улар кислород ишлаб чиқариб, ҳавони зарarli моддалардан ва чанглардан тозалай олмаёпти.

Таъкидлашнича, яна иккита ёки учта Ботаника боғи яратилса, пойтахтдаги ҳаво ҳароратини 2 даражадан 8 даражагача салқинлатиш мумкин экан.

Шу ўринда Экология қўмитаси шаҳар атрофида 50 гектарлик боғлар барпо этиш ташаббуси билан чиққанини таъкидлаш жоиз.

Яна бир гап. Илгари ҳар бир маҳаллада кўп йиллик мажнунтол, тут, ёнғок, ўрик дарахтлари бўларди.

Бу дарахтлар одамларга ота-боболарини эслатиб турувчи қадрият сифатида авайланиб, парварishi қилинарди. Дарҳақиқат, ҳовлингизга бир ниҳол қаданг. Уни эндигина атак-чечак бўлган фарзандингиз ёки набирангиз билан парварishiлаб бординг. Сиз ўтгандан сўнг улар «бу дарахтга отамнинг ёки бобомнинг қўли теккан», дея ардоқлайди. Дарахтга меҳнати сингмаганлар эса ўтин ёки пул учун кесиб ташлайди.

Нима ҳам дердик, қурилишлар соя-салқин бериб турган азим дарахтларни кесишдан бошланмасин, катта-ю кичик қишлоқ ва шаҳарларга фойз бағишлаб турган улкан дарахтларнинг қадри ортиб бораверсин! Сиздан илтимос, қўлингизга болтани олишдан олдин бу ҳақда бир мулоҳаза қилиб кўринг. Дарахтнинг кесиби ташлашга эса улгурасиз.

Анваржон ҲАЛИМОВ, журналист



Ушбу мавзунини ўрганишдан олдин инсон соғлиғи учун зарарли ҳисобланган трансёғлар аллақачон кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолганини тасаввур ҳам қилмагандим. Аммо мутахассислар ва шифокорлар билан суҳбатлашиб, ҳаёт тарзимизни кузатиб, тушундимки, биз аллақачон уларнинг «чангалли»га тушиб қолган эканмиз.

ТРАНСЁЁГЛАР «ЧАНГАЛЛИ»

Ундан бизни ким халос этади?

ЎЗИ ГАП НИМАДА?

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг овқат-лашиш гигиенаси бўйича бош мутахассиси, тиббиёт фанлари доктори Низомжон Эрматовнинг таърифлашича, трансёғлар – кучли қиздириш, суоқ ёғларни қаттиқлаштириш мақсадида қайта ишланган ва зарарли кўрсаткичлари ошиб кетган ёғлардир.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулот тайёрлаш учун суоқ ёғлар каби қаттиқ ёғларга ҳам эҳтиёж кўп. Масалан, маргарин олиш учун асосан суоқ ўсимлик ёғлари водород билан тўйинтирилиб, узоқ вақт сақланади, шаклини йўқотмаслиги учун кимёвий усулда қайта ишланади ва қаттиқ ҳолга келтирилади. Бу жараён кучли қиздириш асосида кечгани боис суоқ ёғ таркибидаги айрим моддаларнинг бир-бири билан боғланиш шакли ўзгаришига учрайди ва улар соғлиқ учун зарарли трансёғга айланади. Ундан маргарин, маргариндан эса торт, булочка, пирог, пирожний, музқаймоқ, кофе учун сут порошоги, турли ширинликлар, печенье, вафли, шоколад, яримтайёр маҳсулотлар – сомса ва пишириқлар учун музлатилган хамир, музлатилган пицца тайёрланади.

Шунингдек, майонезлар, микротўлқинли печлар ичига тушган ёғлар ёки унда иситилган овқатлар таркибидаги мойлар, картошка фри, чипслар, қовурилган товуқ гўштлари ҳамда чиқаришдаги аниқлашган. Сўнгги илмий тадқиқотлар бу фикрларни янада қатъийлаштирди ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти барча давлатларни трансёғлардан ҳоли бўлишга чақира бошлади. 2018 йили эса Американинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини назорат қилиш бошқармаси (FDA) уларни озиқ маҳсулотларига қўйишни қатъиян тақиқлади. Шунингдек, бошқа мамлакатлар аҳолиси ҳам ўз рационини қайта кўриб чиқишни тавсия қилди.

Мамлакатларда қайд этилишича, трансёғлар аввалбошда зарарли холестерин миқдорини ошириб, қон томирларини торайтиради. Кейинчалик инфаркт ва инсульт хавфини кучайтиради. Ушбу ҳолат юрак мускулида кузатилса – инфаркт, бош миёда кузатилса – инсульт, ўпкада руй берса – ўпка артериаси тромбозмболияси (ТЭЛА)га олиб келади. Бундан ташқари, қандли диабет ва яллиғланиш жараёнлари ривожланиши учун замин яратди, саратон касаллиги, жумладан, сут бези саратони ривожланиши хавфини ошириши ҳам тахмин қилинади. Шу боис замонавий тиббиёт юқорида санаб ўтилган трансёғли маҳсулотлардан имкон қадар фойдаланмасликка чақиради. Тар-

ТРАНСЁЁГЛАР аввалбошда зарарли холестерин миқдорини ошириб, қон томирларини торайтиради. Кейинчалик инфаркт ва инсульт хавфини кучайтиради. Ушбу ҳолат юрак мускулида кузатилса – инфаркт, бош миёда кузатилса – инсульт, ўпкада руй берса – ўпка артериаси тромбозмболияси (ТЭЛА)га олиб келади.

Бу, охир-оқибат, уларнинг ҳам сифати паст ва арзон ёғ ишлатишларига сабаб бўлади. Афсуски, бу каби ҳолатларни тўлиқ назорат қилиш қийин. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлар фаолиятини текширишни имкон қадар қамқайтиришга, уларнинг фаолиятига аралашмасликка уруғ берилмоқда. Айрим соҳа тадбиркорлар эса бу имтиёз ва эркинликларни шахсий манфаатлари йўлида суистеъмол қилиб, юқоридагига ўхшаш қинғирликларга қўл урмоқдалар.

кибида гидрогенланган (қайта ишланиб, водород билан тўйинтирилган) ёки қисман гидрогенланган мой, маргарин, ўсимлик ёғи, кулинария ёғидан бири мавжуд бўлса ҳам, маҳсулот трансёғли ҳисобланади.

НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ

Трансёғлар саломатликка шу қадар зарарли экан, у ҳолда нега улардан озиқ-овқат саноатида фойдаланишга рўхсат берилган? Аксинча бўлса, назорат қилиниб, текширилмайдими?

– Бизнинг агентлигимизда ва юртимизда мавжуд хусусий лабораторияларда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда хориждан келтирилаётган ёғлар белгиланган сифат талаблари бўйича текширилади, – дейди Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг бошқарма бошлиғи ўринбосари Севара Иминова. – Агар улар истеъмолга яроқсиз деб топилса ва трансизомер кўрсаткичлари юқори чиқса, ишлаб чиқаришга ва мамлакатимизга олиб киришга рўхсат берилмайди. Масалан, 2020 йилда маҳсулотлар таркибида трансёғлар 2 фоиздан ошмаслиги лозимлиги белгиланган техник меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди. Ҳозир бу талаб амалда. Шунга қарамай, таркибида трансёғлар кўп маҳсулотларни яширинча келтириш ва истеъмолда қўллаш ҳолатлари давом этмоқда. Сабаби, шу пайтгача бу борадаги қоида бузарлик учун қонуний жавобгарлик белгиланмаган. Агентлигимиз масъул ходимлари томонидан тадбиркорларга тавсия йўналишида маслаҳатлар бериб келинган, аммо уларга нечоғли риоя қилиш тадбиркорлар виждонига боғлиқ бўлган. 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан эса, жорий талабларга амал қилмагани аниқланган тадбиркор биринчи марта оғохлантирилади, кейинги савар маъмурий жавобгарликка тортилади.

Исм-шарифини айтишни истамган ки-чик бизнес эгасининг айтишича, айрим удда-буронлар кўпинча тан-нарих арзонга тушадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда асқотадиган тех-ник пальма ёғларини бохжонадан гўёки авто-л ва бошқа техник мой-лар тайёрлаш учун де-ган баҳонада расмий-лаштириб, олиб ўти-шади, амалда уларни қандолат маҳсулотлари, ширинликлар ёки мар-гарин маҳсулотлари тай-ёрлайдиган тадбир-корларга сотадилад. Сифатли ёғ ишлатган тад-биркорлар маҳсулоти-нинг таннарихи кимматга тушгани боис, кўпинча бозорда уларнинг сав-доси яхши юришмайди.

Бундан ташқари, қандли диабет ва яллиғланиш жараёнлари ривожланиши учун замин яратди, саратон касаллиги, жумладан, сут бези саратони ривожланиши хавфини ошириши ҳам тахмин қилинади. Шу боис замонавий тиббиёт юқорида санаб ўтилган трансёғли маҳсулотлардан имкон қадар фойдаланмасликка чақиради. Тар-

Мутахассислар билан суҳбатдан аён бўлдики, трансёғ ишлатмоқчи бўлган тадбиркор турли йўллар орқали ғаразли мақсадига эри-шиши мумкин. Масалан, у фаолиятининг му-айян даврида сифат сертификатини олиш учун меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаб-лар бўйича маҳсулот ишлаб чиқаради. Аммо кейинчалик шундай маҳсулот тайёрлаётга-нига ҳеч ким, ҳатто бунга масъул идоралар ҳам қафолат беролмайди. Чунки бозорлари-миздаги ҳақиқий аҳолини аниқ-тиниқ кўрса-тиб берувчи «бозор сифат назорати» ишлари жуда суст. Ҳолбуки, вазиятни яхшилаш учун бозор ва озиқ-овқат дўконларида бир йилда,

бир-икки марта эмас, мунтазам равишда ва тез-тез сифат назо-ратлари ўтказиб ту-рилиши керак.

– 2020 йилнинг ноябрь ойида Истеъ-молчилар ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан чакана савдода соти-лаётган ёғ-мой маҳ-сулотларининг муво-фиқлигини ўрганиш мақсадида 8 хил маргарин намуналари сотиб олинди, – дейди агентлик бошқарма бошлиғи Павел Магай. – Улар синовдан ўтказилганда, 6 тасида трансёғлар 2 фоизлик меъёрдан юқори эканлиги аниқланди. Жумладан, Ўзбекистон-даги «SARDOBA AGRO HOLDING» МЧЖ ҚҚ-нинг «Мечта» маргаринида 32 фоиз, «Chromos Production» хусусий корхонасининг «Appetito» классик маргаринида 3,7 фоиз, «Baraka Food» МЧЖнинг «OLEO» маргаринида 2,9 фоиз, Тур-киядagi «Besler Gida ve Kimya San. Tic. A.Ş.»да ишлаб чиқарилган «Yayla» ўсимлик маргарини-да 9,6 фоиз, «MARSА YAG SAN. VE TIC. A.Ş.» корхонасида тайёрланган «ONA» қаймоқли маргаринида 7,8 фоиз, Россиядаги «Жиро-вой комбинат» ОАЖнинг «Щедрое лето» қат-тиқ маргаринида 7,8 фоиз экан. Юртимиз-даги «MILK EURO FOOD» МЧЖнинг «Домаш-нее застолье» ва «GOOD FOOD GROUP» МЧЖ ҚҚнинг «Сливочный» қаттиқ маргаринларида меъёр сақлангани маълум бўлди.

ВАЗИЯТДАН ҚУТУЛИШ ЙЎЛИ

Кўриб турганингиздек, аҳолининг катта ишончини қозонган брендлар ҳам трансёғларни меъёридан ортиқ ишлатиш-ган. Ваҳоланки, уларнинг сифат намуналари текширилиб, меъёрида бўлгани сабабли бо-зорга олиб чиқишга рўхсат берилган. Кейин-чалик эса бу сифатлар ўзгарган...

Бундан шундай ҳулоса чиқариш мум-кинки, шундоқ ҳам чипсларни, қовурилган товуқ гўштларини, пишириқларни истеъ-мол қилишга ва ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланишга рўжۇ қўйганимиз бир пайтда матнли эслатма ва тавсиялар билан кифояла-ниш ҳеч қандай ёрдам бермайди. Трансёғлар чангалидан тўлиқ халос бўлиш учун комп-лекс чора-тадбирларни амалга ошириш за-рур. Чунончи, уларнинг ўзимизда тайёрлани-шига ёки четдан кириб келишига қатъий чек қўйиш лозим.

– Бунинг учун, аввало, харидор олдидаги муҳим бир шарт бажарилиши керак, – дей-ди ҳамсуҳбатимиз Севара Иминова. – Ма-салан, Европада сиз қандай маҳсулот харид қилишингиздан қатъи назар, қадоғини ўқиб,

унинг таркиби билан танишишингиз мум-кин. Трансёғлар қўшилган маҳсулот нархи сифатли ёғлар ишлатилган маҳсулотниқига нисбатан арзон бўлади. Танловни харидор-нинг ўзи қилади. Пули етса, трансёғлари-кам ёки умуман йўқ маҳсулот, акс ҳолда, трансёғлар қўшилганини сотиб олади.

Ўзбекистонда ҳам бу борада энг муҳим қа-дам ташланди. Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига муво-фиқ, юртимизда ишлаб чиқариладиган ва им-порт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида трансёғларни қамайтириш, шунингдек, истеъмолчиларга соғлом озиқ-овқатни танлаш учун қўлайлик яратиш мақсадида «тамғалаш белгилари»ни жорий этиш бўйича 2025 йилга қадар мўлжалланган чора-тадбирлар дастури қа-бул қилинди. Унга кўра, маҳ-сулотларга «тамғалаш бел-гилари»ни жорий этиш 2021 йил 1 июлдан ихтиёрий, 2025 йил 1 январдан маж-бурий бўлади.

Демак, ҳадемай бозорларимизда «тамға-ланган», яъни қадоғида инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар мавжуд маҳсулотлар кўпаяди. Бу жуда яхши, албатта! Шу билан бир қаторда, «бозор сифат назорати» тадбирларини кўпайтириш, маҳсулот тайёрлашда сифатсиз ёғлардан фойдаланган тадбиркорларга жид-дий чоралар қўллаш, истеъмолга яроқсиз техник пальма ёғлари, ҳақиқатан ҳам, техник мақсадларда ишлатилаётгани ёки ишлатил-маётганини суриштириш, мамлакатимизда ёғ маҳсулотлари еттиштириш учун зарур ўсим-ликларни кўпайтириш керак.

ЁҒ КЕРАК, АММО...

Тиббиётчи олим Низомжон Эрматов яна бир муаммони афсус ила эслатди. Биз ёғди, қовурилган ва гўшти тоамларини севади-ган халқмиз. Аммо аҳоли сони кўпайиши ту-файли ёғга бўлган талаб ошиб, одамлар си-фати паст ёғ маҳсулотларини ҳам истеъмол қилишмоқда. Оқибатда, ҳамюртларимиз ора-сида юрак-қон томир касалликларини кескин равишда кўпайиб бормоқда.

Бинобарин, саломатлигимизни ўйласак, трансёғли маҳсулотларни кундалик истеъмо-лимиздан чиқариб ташлашимиз даркор. Ал-батта, бу осон кечмайди. Чунки ширин пи-шириқлар, фастфудлар ва мазали музқай-моқлар болалар туғул, катталарнинг ҳам сеvimли тоамларига айланиб қолган.

Шу боис соғлиқни асраш учун аста-секин-лик билан яримтайёр маҳсулотлардан воз ке-чишимиз, имкон борича уларни ўзимиз уйда тайёрлашимиз, сифатли маҳсулотнигина сотиб олишимиз лозим. Айниқса, таркибида туз, ша-кар ва ёғ кўп бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишдан тийилишимиз, қадоқдаги ёзувларга эътиборли бўлиб, тўғри овқатланиш бўйи-ча билимимизни ошириб боришимиз, уларга риоя қилишимиз шарт. Шундангина трансёғлар соғлиғимизга хавф туздирмайди, узоқ йиллар фаровон ҳаёт кечирамиз.

Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»



Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдоларига АТБ «Асака банк»нинг Бухоро вилояти филиали ҳисобидаги, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Ёздувон кўчаси, 3-мунолиш, 7-уй манзилида жойлашган, қурилиш майдони 135,4 кв.метр, фойдали майдони 209,1 кв.метрдан иборат бўлган 2 қаватли Маъмурий бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 419 071 500 (тўрт юз ўн тўққиз миллион етмиш бир минг беш юз) сўм.

Талабдорлар диққатига! Аукцион савдолари 2021 йил 27 август кунни соат 11:00 да ташкил қилинади.

27.08.2021 йил санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 3 сентябрь ва 10 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабдорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиз миқдоридagi зака-

лат пуллари тўлашлари; – **жисмоний шахслардан** паспорт ва СТИР нусхаси; – **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш кунни муддати ичида Сотувчи, яъни АТБ «Асака банк»нинг Бухоро вилояти филиали билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун ре-визитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, х/р: 20208000700759233002, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ-нинг Бухоро вилояти минтақа-вий филиали, МФО: 00115, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан корхона ходи-ми ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қа-бул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун ман-зил: Бухоро шаҳри, Х.Т.Бухор-ий кўчаси, 29-уй, 1-қават. **Тел.:** (93) 476-40-00. **E-mail:** kmfauksion@mail.ru. **Лицензия № RR-0297.**

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST»

масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдо-ларига **«1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI»** акциядорлик жамияти ҳисо-бидagi, Тошкент вилояти, Қиб-рай тумани, «Салар» ШФЙ, Яланғоч кўргони манзилида жойлашган, жами ер участ-каси майдони 2850,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 484,05 кв.метрдан иборат бўлган бино ва иншоотлар такроран қўйил-моқда. **Бошланғич баҳоси** – **597 138 610 (Беш юз тўқсон етти миллион бир юз ўлтмиз саккиз минг олти юз ўн) сўм.**

Талабдорлар диққатига! Аукцион савдолари 2021 йил 30 август кунни соат 15:00да ташкил этилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртма-номалар «Аукцион ташкилот-чиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши белги-ланган кундан бир кун олдин соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўл-ган талабдорлардан: – «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган зака-лат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиз миқдоридagi зака-лат пуллари тўлашлари; – **жисмоний шахслардан** паспорт ва СТИР нусхаси; – **юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтганилиги

тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тас-диқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш кунни муддати ичида Сотувчи, яъни «1-Temir beton mahsulotlari zavodi» акциядор-лик жамияти билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбу-рияти юклатилади. Сотувчи то-монидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартно-маси тузилганда белгиланади.

Талабдорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдоридa тўлов тўланиши лозим.

Закалат тўлови учун рек-визитлар: «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, х/р: 20208000900759233001, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ-нинг Тошкент шаҳар минтақа-вий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйил-ган мулк билан корхона ходи-ми ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қа-бул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай ту-мани, Геофизика кўргони. **Тел.:** (99) 862-16-71. **E-mail:** kmfauksion@mail.ru. **Лицензия № RR-0297.**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 2011 йилда Раҳматов Азизбек Бомуродовичга берилган В№547973 рақамли бакалавр дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасы Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси **Раҳмонов Абдусалом Жабборович**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Хангома

Сиздан битта илтимосим бор...

Кунлардан бир кун элшунос олим Билол Аминов кўнғироқ қилиб қолди:
– Яхшимисиз, ука. Сиздан битта илтимосим бор эди.
– Илтимос, қанақа илтимос? – кейинги пайтларда ҳар хил илтимослардан юрагим безиллаб қолганди. Нималарни сўрашмайди? Қонунга зид ишларни амалга оширишни, баъзида оддийгина битиши керак бўлган юмушни ҳам илтимос қилишади. Қорақалпоқ киночилари ишлаган «Танка» фильми эсингиздами? Бошдан-оёқ илтимослардан иборат. Қачонлардир ўлиб кетган Раж Капурни тўйга олиб келишни илтимос қилишади. Озига сиққанича пул бераман, дейди. Пулнинг кучи билан ўлиқни тирилтириш мумкин, деб ўйлашса керак-да.
– Менинг илтимосим беозор, бажарсангиз, аввало, ўзингиз, ўғил-қизингиз, оила бекангиз, ҳатто бизга ўхшаган кадрдонларингиз хурсанд бўлишади.
– У қанақа илтимос экан? Ҳамма рози бўладиган бўлса, бажаришга ҳаракат қиламан.
– Бажариш унча қийин эмас. Ишим кўп, вақтим йуқ, демасангиз бўлди. Озроқ ҳафсала қиласиз.
– Агар қўлимдан келса. Баҳоли қудрат.
– Йўқ демаслигингизни билардим. Саломат бўлинг.
– Раҳмат. Энди илтимосни айтинг.

– Ие, айтдим-ку, соғ-саломат бўлинг деб.
– Ҳазиллашяйсизми?
– Ҳечам. Бу жуда жиддий илтимос.
– Агар дунёда ҳамма бир-бирига соғ-саломат бўлишни илтимос қилса нима бўлади?
– Олам гулистон бўлади. Айтишади-ку, «эл соғлиги – юрт бойлиги» деб.
Кайфиятим кўтарилиб кетди. Юқоридаги хангома ни қозғоғга туширдиму, тахририятга бордим. Гапни ўша экспериментдан бошладим.
– Ўртоқ муҳаррир, сизга бир илтимос билан келдим.
Ҳар хил илтимослардан пишиб кетган муҳаррир:
– Қанақа илтимос? Мақола чиқариш керакми?
– Мақола ўз йўлига. Аввало соғ-саломат бўлишингизни сўрайман.
– Албатта бажарамиз, иннанкейин нима демоқчисиз?
– Мана шу ёзилганларни ўқинг, у ёғини ўзингиз биласиз.
Муҳаррир қўлёзмани ўқиб чиқди-ю, мийғида қулиб қўйди.
– Яхши гап экан, занжирли силсила деса бўлади. Буни ўқиган газетхонлар ҳам ўша илтимосингизни бажариш пайида бўлишади. Шу сўровга амал қилишга ўзингиз ҳам ҳаракат қилинг, саломат бўлинг!

Шухрат ЖАББОРОВ

Нафис туйғулар

Ойшжон, мен сизни яхши кўраман!..

Болалар олами ўта беғуборлиги билан кишини ўзига мафтун этади. Айниқса, ҳозирги кичкинтойларнинг тили бийронлигига, фикрлаш доираси кенглигига қойил қолиш керак. Ҳолбуки, биз бу ёшда жуда содда бўлганмиз..

Мен дугонам Зебонинг олти яшар қизи айтган гапларни эшитганимда, хайратим янада ортади. Чунки унинг саволлари ўткир, фикрлари теран.

Бир куни у онасидан:
– Ойшжон, нега қари момоларнинг юзига тарам-тарам чизиклар тушади? – деб сўради.
Дугонам унга:
– Кўп меҳнат қилса, ёши улғайса, қоқиб ўстирган болалари асраб-авайламаса, қизчалари кўп гапиртириб чарчатса, оналарнинг юзи шунақа бўлиб қолади. Бора-бора қариб, вафот этади. Уларни тобутда қабристонга элиб, тупроққа кўмиб келишади, – деди.

Бу гапни эшитган қизалоқ кўзларини пирпира-тиб, бир зум жим қолди. Кейин онасини маҳкам қучоқлаб деди:

– Ойшжон, мен сизни роса-роса яхши кўраман, ҳеч қачон ўлишингизни истамайман.
Зебо унга мулоим оҳангда тушунтира бошлади:
– Бунинг учун яхши қиз бўлишинг керак. Менинг айтганларимни қилиб, одобли қиз бўлиб юришинг лозим. Агар сен ҳар куни ишдан келганимда, «Ойшжон, сиз жуда чиройлисиз, сизни яхши кўраман!», деб турсанг, мен ҳеч қачон қаримайман.

Зебонинг ўғитлари важидан содда қизнинг руҳиятида кўп ўтмай катта ўзгариш рўй берди.

Бир куни дугонам билан телефонда гаплаша-ётиб, қизалоғи унга «Ойшжон, мен сизни жуда яхши кўраман», деяётганини эшитиб қолдим. Бу сўзлар жуда-жуда ёқимли эди. Зебо эса бироз хавотир аралаш мендан сўради:

– Қизим ҳар куни шу сўзларни бот-бот такрорлайверади. Мабодо мен уни қўрқитиб қўймадим-микан?

Оҳ, дугонажон, дугонажон-а!.. Кошкийди, барча оналар ҳам фарзандлари билан сен каби турли мавзуларда суҳбатлашиш учун вақт ажратсалар, уларни мурғаклигиданоқ тўғри йўлга бошлаб, дунёқарашларини янада бойитсалар эди...

Комила БОЙМУРОВА

Мулоҳаза

ОҲ ТЕЛЕФОН, ВОҲ ТЕЛЕФОН!

...Автобус бекатига яқинлашар эканман, ўриндиқлардан бирида омонатгина ўтирган, қўлидаги телефонга тикилган ёш аёл диққатимни тортди: одмигина кийимининг ранглари-ю бичимлари чиройли диддан дарак берарди.

Аста ёнига жойлашдим. Яширмайман, шубҳа-ю хижолатга қўймайдиган тарзда унга яна қарагим келди. Аёлнинг фикру хаёли телефонида. Ёнгинасида ўтирганимдан кейин, ора-сира овоз ҳам эшитилади-да: телефон тугмачалари тез-тез босилиб рақам терилди. Нариги томон ҳаялламай жавоб берди, шекилли, жувон салому алиқсиз:

– Қаердасиз? – деди бетоқатлик билан. Кейин бир муддат тўхтаб-тўхтаб, гапини давом эттирди. – Нимага унақа қиласиз?... Йўқ! Айтдим-ку... Яна ўз гапингизни маъқуллайсиз-а... Ойимдан мен сўрамайман, ўзингиз гаплашинг!

Шу дақиқада нариги тараф суҳбатни узиб қўйдими, жим бўлиб қолди. Ноқулайлик бўлмасин учун ўриндиқнинг бу чеккасига сурилиб, тесқари тарафга ўгирилдим. Лекин қулоқ очик-да, эшитаверасан: телефон номери яна тезлик билан терилди, аммо на-риги томон жавоб ҳам бермай, алоқани узди. Шундан кейин қулоғимга чалинган телефоннинг «тик-тик»ларидан тушу-нишимча, адашмасам, аёл SMS ёза бошлади...

Шу аснода яна аёл томонга қарадим, аммо оғиз очишгаям улгурмадим. У бир норози қара-ш қилди-да, ўрнидан турди-кетди...

Бошқаларда билмадим, менда шундай... Йўлларда, жа-моат жойларида, ҳатто ўзлари ёлғиз бўлган инсонлар муам-мо-ю масалаларини кечиктир-май ҳал этиб олиш учун теле-фон орқали гоҳ бақир-чақир билан, гоҳ йиғи-ю гиналар қи-либ, гоҳ ўқ сўзларни отаётган-ларини кўрганда... «нима қил-сам тўғри бўлади?» деган савол кўндаланг бўлаверади.


Ҳаётда жуда кўп сигналган ва-зият: Кимдан ёки нимадандир жуда хафа бўлиб, шу лаҳзада «ёрилгинг», «тўқилгинг», «ен-гиллашиб олгинг» келади. Аммо

шайтоннинг васвасасига уч-май, кўзинг ва қалбингни кен-роқ очиб дунёга қарасанг, хил-ма-хил тақдирлару воқеалар оқимида сенинг ташвишинг ар-зимаслиги-ю, сенга ўхшаганлар оз эмаслигини англайсан, иро-да-ю сабрга таянганларнинг топ-ганлари йўқотишларидан кўп эканини эътироф этасан ва шу аснода жисму руҳингни кимдан-дир қасд олиб чарчатишга эмас, балки нолишу норозиликларни енгиб чиқишга қодир бўлган куч тўплашга шайлайсан.

«Кишининг ҳар бир эшит-ган нарсасини гапирмоғи ёлғончи эканига қиёф қилади», дейилади бир муборак ҳадисда. Эҳ-ҳе, йўл-йўлакай эшитганлари-миз, кўрганларимизнинг моҳия-тига етиб-етмай, уни бошқаларга сўзлаб, муҳокама қилиб, хулоса чиқариб... бир ибора билан айт-ганда, қулоғимизга кирганларни шошқалоқлик билан оғзимиздан «гуллаб» ёлғончига айланган, гуноҳ орттирган пайтларимиз-нинг ҳисоби кўлимизда телефон-лар борлиги туфайли геометрик прогрессия асосида кўпайиб кет-маёптими?

Тўғри, бугунги кунимизни телефонсиз тасаввур этиб бўл-майди. Унинг беминнат хизмат-лари шарофатидан узоғимиз яқин, муаммоларимиз ечими осон, ишларимиз тез ва енгил, ҳатто олисдаги соғинган инсон-ларимиз билан хоҳлаган пайтда дийдорлашмоғимиз мумкин.
Хуллас, телефоннинг им-кониятлари шу қадар кўпки... Фақат у шошқалоқлик, сабр-сизлик, меҳрсизлик, бешафқат-лигимиз касридан пушаймону йўқотишлар кўчасига олиб кир-гувчи воситага айланиб қолма-син... Аксинча, у феълу фароса-тимиз, сабру мулоҳазаларимиз, ҳаёт ва одамларга муҳаббати-миз измида ҳамиша бизни қўл-лаб-қувватлагувчи дўста айла-ниши мумкин.

Муҳтарома УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими



Лоқайдлик вируси

Коронавирусдан ҳам хавфлироқ...

Кўпчиликнинг кўнглига хавотир ва ҳадик солаётган бе-парволик «касаллик» бир кун келиб, ёқамиздан тутмаса, деб қўрқаман. Бу бепарволик, камамда, коронавирусинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ талофатларга олиб келиши мум-кин. Таажжубланарлиси, касаллик авж олган сайин бе-парволигимиз ҳам ортиб бораётгандек...

Тўй ва бошқа маъракалари-мизда беш юз, олти юзтагача меҳмон кутияпмиз. Ниқоб тақишни одат қилганимиз етма-гандек, унинг тозалигига, вақтида алмаштириб туришга, сақлашга эътибор қилолмаяпмиз. Таксига чиқсангиз, ҳайдовчининг ниқоби тумшугининг тагида. Ошхонага кирсангиз, ўзингизга ўхшаган хўрандаларнинг таққан ниқоби дастурхон устида, чойнак-пиёла-

нинг ёнида туради. Бозорларга борсангиз, эпидемия тарқалиши-нинг олдини олишга масъул шахс-ларнинг беғамлигидан ташвишла-наси.

Ўтган йили Навоий шаҳри-дан қатнайдиغان барча таксилар хавфсизлик мақсадида енгил ма-шиналарининг олдинги ва орқа ўриндиқларини шаффоф мато би-лан ажратиб қўйишган эди. Ҳозир уларнинг биронтасида шундай



тўсиқни кўрмайсиз. Бугун ўзим ўтирган такси ҳайдовчисига атай шу маънода савол бердим. Ҳай-довчи «Ака, ҳозирча корхонамиз раҳбарларидан бу ҳақда топши-риқ ёки кўрсатма олмаганимиз», деди бепарволик билан. Мана сизга муносабат! Биз фақат раҳ-барларнинг топшириқини бажар-иш учун яшаётганимиз йўқ-ку?.. Ўзимиз ҳар қандай хавфнинг ол-дини олишга қиршмас эканмиз, касалликнинг юқишидан ўзи-мизни, оиламизни асло ҳимоя қила олмаймиз.

Бу йил бевақт оламдан ўтган уч-тўрт нафар қишлоқдошимиз-нинг дафн маросимига бориши-мизга тўғри келди. Самарқандда бир одат бор. Майит чиққан хо-надонга яқинлари, қўшнилари,

дўсту-биродарлари ёрдам бе-риш маъносида уч, тўрт кунгача озиқ-овқат келтиришади. Ҳамма бир дастурхонда ўтириб таомла-нади. Бунинг устига, бир пиёла-дан уч-тўрт киши алмашлаб чой ичади. Гўёки атрофимизда ҳеч қандай офат, хавф-хатар йўқ-дек...

Қиссадан ҳисса шуки, ҳар би-римиз ўзимизни, яқинларимизни эҳтиёт қилсак, тўй-ҳашамларни чегараласак, бозор-ўчаларда ҳаддимиздан ошмасак, бошқа-ларга ҳам чин маънода марҳамат, меҳр-муҳаббат кўрсатган бўла-миз.

Шундай эмасми?
Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
тахрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ

(тахрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Меҳриддин ШУКУРОВ

(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва ҳалқаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, хабарларнинг
тўлиқ матни
билан танишингиз
мумкин.

Хўдудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Ташкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда
манба сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Наҳанов

Мусаҳҳиҳлар:

Д. Худойберганова,
Ғ.Мираҳмедов

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 20:30
Топширилди – 21:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Ғ – 806.
27619 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Ташкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси басмачонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130